## СУДДА ЖАВОБГАР – АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



**... бу ҳолат қуйидагича хулоса чиқаришга изн беради: Адлия вазирлигида бўлим бошлиғи лавозимида ишлашга малакаси етмаган ходим бемалол судья бўлиши мумкин.**

**2 -бет**

## ИРОҚ ТЕВАРАГИДА НИМА ГАП?



**“Евроньюс” маълумотларига кўра, душанба куни Қўшма Штатларга тегишли танклар воситасида Бағдод маркази ўққа тутилган. Бироқ бу пойтахт учун ҳал қилувчи жанглар бошланганини билдирмайди. Ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилаётган Марказий Бошқарма вакилларига кўра, ҳужум Ироқ армияси кучини чамалаб кўриш мақсадида ўтказилган.**

**3 -бет**

## ТАЛАБ ҚИЛИШНИ БИЛАМИЗ-У, ЛЕКИН...

**Уйингизда газ ўчди. Кундек равшанки, бу орқали сизнинг ишларингиз орқага кетяпти. Вақтида чой ичолмайсиз, натижада ишга кечикасиз... Хуллас, бу занжирни узоқ давом эттириш мумкин. Бундай ҳолатларда дарҳол телефон қилиб, газ идорасидагилар билан “салом-алик” қилиб олишдан ҳам қайтмайсиз. Хўш, газ нега ўчди ёки ўчмаган тақдирда ҳам нега паст ёняпти? Бу саволга жавоб излаб кўрганмисиз?**

**4 -бет**


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№14 (320) 2003-yil 9-aprel


**ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ**

**1 АҚШ $ — 967,23 сўм**

**1 ЕВРО — 1029,42 сўм**




**«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!**

Газетамизга обуна давом этмоқда.

**Нашр кўрсаткичимиз:**
**Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.**


**ММＭда**

# ФОРУМ ОЛДИДАН МУЛОҚОТ




Аввал хабар берганимиздек, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки фаолияти ҳамда ушбу молия ташкилотининг 12-йиллик анжумани ҳақида журналистларга тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида ҳар пайшанба куни Миллий матбуот марказида соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари иштирокида учрашувлар ташкил этиляпти. Ўтган ҳафта бўлиб ўтган навбатдаги матбуот конференциясига Республика Бош вазири ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев таклиф қилинди. Агентлик раҳбари ОАВ ходимларига ЕТТБнинг йиллик йиғилиши ва бу доирада ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Банк бошқарувчиларининг бу йилги учрашуви 3 май куни Ўзбекистон Республикаси Инвестицион форумининг очилиши билан бошланади. Форумда мамлакатимизнинг иқтисодий имконият ва салоҳияти, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари истиқболига бағишланган тақдимот маросими ўтказилади. Шубҳасиз, бу анжуман миллий иқтисодиётимизга сезиларли таъсир кўрсатади. Чунки бизнес анжумани давомида мамлакатимиз илмий-техникавий тараққиётини жадаллаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, телекоммуникация, қурилиш, туризм ҳамда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, банк-молия секторини тараққий эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши кутиляпти.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини тўла намойиш этиш мақсадида бир қатор кўргазмалар ҳам ташкил этилади. Жумладан, Буюк Британиянинг “ITE Group Plc.” компанияси билан ҳамкорликда 6-8 май кунлари 50 дан ортиқ илғор хориж компаниялари иштирокида нефть ва газ саноатини ривожлантиришга қаратилган халқаро кўргазма ҳамда конференция бўлиб ўтади. Нуфузли анжуманнинг асосий тадбирлари эса 4-5 май кунлари ўтказиладиган Бошқарувчилар кенгаши ва бизнес форум ҳисобланади. Кенгаш ҳамда анжуман давомида банкнинг йиллик фаолияти, инвестицион дастурлар натижалари муҳокама этилади, янги лойиҳалар қабул қилинади. Бизнес форуми доирасидаги тадбирлар бу билан чекланмайди. Дастурга мувофиқ, анжуман мобайнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, минтақавий савдони кучайтириш, сув заҳираларидан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан семинарлар ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Маълумки, бир муддат олдин ЕТТБ томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасидаги энг яхши лойиҳа учун танлов эълон қилинганди. Маълумотларга қараганда, танлов натижалари банк йиғилишида эълон қилинади. Эслатиб ўтамиз, танлов ғолибларига кредит олиш бўйича бир қатор имтиёзлар берилади, шу билан бирга энг яхши лойиҳа соҳибларига бепул суғурта хизмати сертификатлари топширилади.

Шунингдек, матбуот анжуманида Э. Ғаниев томонидан мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқаларига доир муҳим рақамлар ҳам келтириб ўтилди. Бунга кўра, 2002 йилда миллий иқтисодиётимизга киритилган хориж сармоясининг умумий ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Айни пайтда Ўзбекистонда жаҳоннинг 90 мамлакати инвестициялари иштирокидаги 3000 дан ошиқроқ корхона фаолият юритяпти. Республикамизда бугунги кунда қиймати 4,3 миллиард долларга тенг бўлган 87 сармоявий лойиҳани ўз ичига олувчи Давлат инвестиция дастури амалга татбиқ қилиняпти. Мазкур дастурнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши юртимиз ишбилармонлари ҳамда чет эл сармоядорлари иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш борасида янги имкониятлар очди. Сўнгги вақтда мамлакатимизда 152 та янги қўшма корхона ташкил топгани ва 2005 йилгача яна шундай корхоналардан 140 дан ортиғи фаолият бошлаши кутилаётгани ҳам ана шундан далолат беради. Умид қиламизки, ЕТТБ анжумани ушбу рақамларнинг янада йириклашиши, миллий иқтисодиётимизга бундан-да салмоқлироқ хориж сармоялари киритилишига имкон беради.

**Собиржон ЁҚУБОВ,**
**«Ҳуррият» мухбири**

**Муаммо**

# ТЎЙНИНГ ЗЎРИ – ЭЛНИНГ ШЎРИ

***Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам тобора жиддийлик касб этиб бораётган муаммолардан бири тўй-маъракаларнинг ҳаддан зиёд серхаражат бўлаётганлигидир. Айнан шу муаммо кўплаб бошқа муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тўй-маъракаларнинг ҳозирги тартиби ёшларга, уларнинг келажак ҳаётига қандай таъсир этмоқда, бу борада маҳаллаларнинг ўрни нимадан иборат, деган саволларга Ургут тумани мисолида жавоб ахтариб, кўриб чиқайлик.***

Дастлаб бундан 20 йил олдинги бир воқеани эсга олмоқчиман: Самарқанд бозорида Ургут туманининг Ғўс қишлоғидан бўлган Ўроқ исмли собиқ курсдошимни учратиб қолдим. У ўғилларининг суннат тўйини ўтказиш ниятида эканлигини ва гуруч сотиб олиш илинжида бозорга келганлигини айтди. Ўшанда унинг 600 кило гуруч сотиб олишини эшитиб, ҳайрон бўлган эдим. “Ахир, шунча гуручнинг оши 5 минг кишига етади-ку, тўйга шунча одам йиғиладими?” деб сўраганимда, Ўроқ бу ўртача тўй эканлигини, баъзилар бундан ҳам кўпроқ гуруч дамлашини уқтирган эди.

Яқинда Ургутда бўлиб, тўй-маъракаларни ўтказиш борасида унчалик сезиларли ўзгариш бўлмаганига амин бўлдим. Кўпчилик бундан бир неча кун олдин бўлиб ўтган бир тўйни муҳокама қилишаётганлигининг устидан чиқиб қолдим. Чет элдан катта миқдорда товар олиб келиб, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи тадбиркорлардан бири кўпкариси билан икки кун тўй берган ва 650 кило гуручдан ош дамлаган экан. Бунга ҳар ким ўзича муносабат билдирарди. Биров “пулдор одам пулини қандай ва нимага сарф қилишини ўзи билади, катта тўй берса, бу унинг иши”, деса, бошқаси “бундай йўл тутиш инсофдан эмас, қолганлар ҳам шундай тўй қиламан деб, қарзга ботиб қолади ёки умуман орзусига етолмасдан юраверади”, дерди.

Ушбу баҳсда ким ҳақлиги масаласини ҳозирча четга қўйиб турайлик-да, тўй-маъракалар ўтказишнинг мавжуд тартибининг салбий жиҳатларини кўриб чиқайлик. Ўйламасдан қилинаётган сарф-харажатлар, айниқса, ёшларга ёмон таъсир этмоқда. Биздаги ҳозирги ҳолатни соғлом ақл билан, мантиқан тушуниш қийин. Чунки ҳар биримиз фарзанд туғилганлигидан бошлаб унинг бахтини ўйлаймиз, тўйининг ғамини еймиз, шунга мос тайёргарлик кўриб борамиз. Лекин нега ўз фарзандимизга бахт тилаб, шунга интиляпмиз, деб ишонамиз-у, охир-оқибат унинг бахтсизлигига сабабчи бўляпмиз?

Ургутда менга яқиндагина бўлган бир аянчли воқеани ҳикоя қилишди. “Кўрпангга қараб оёқ узат”, деган нақлни унутиб қўйган аксарият юртдошларимиз сингари “кўп қатори” тўй берган бир оила вайрон бўлибди. Тўй харажатларининг асосий қисми қарз ҳисобидан бўлган экан. Тўйдан кейин кўп ўтмай қарз берганлар пулини қистаб кела бошлаган. Иложсиз қолган оила сардори келин-куёвнинг кийим-кечакларини, уй анжомларини сота бошлаган. Қарзни қоплашга бу ҳам камлик қилганлиги боис навбат келиннинг тақинчоқларига келган. Оила қуришни, ўз бахтини йиллар давомида орзиқиб кутган, тўйдан кейинги шароитни умуман бошқача тасаввур қилган келинчакни бу ҳол қаттиқ изтиробга солади. У хўрликларга чидай олмай, бир умрга ўз оиласи бўлиб қолиши лозим бўлган бу хонадонни тарк этади. Эндигина тетапоя бўла бошлаган оила, оёққа турмасданоқ барбод бўлди.

Ана энди ушбу аниқ мисолни таҳлил этиб, айтинг-чи, ўша “кўп қатори” қилинган тўйдан ким манфаат кўрди? Тўйчими, тўйхўрми, маҳаллаю бутун жамиятми? Еганлар еб кетди. Лекин улар ўша тўйга бормаганда ҳам уйидаги бир коса шўрваю бир бурда нони билан кунини ўтказарди. Оила бошига тушган кулфатни, икки ёшнинг бахтсизлигига сабаб бўлган манманликни, жамиятга етказилган маънавий зарарни эса ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

Иллатга айланиб бораётган одатлар оқибатида вақтида уйлана олмаётган йигитлар масаласи ижтимоий муаммодир. Ўзи шусиз ҳам турмуш қуриш ёшидаги қизлар сони йигитларникидан кўпроқ. Эндиликда уларнинг сони яна ошмоқда. Бу ижтимоий муаммонинг бир кўриниши. Унинг яна бошқа кўриниши — бу қизларнинг табиат ато этган она бўлишлик ёшининг энг қулай йиллари ўтиб кетаётганлиги ва ҳатто улардан айримларининг қари қиз бўлиб қолиб кетаётганлигидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг: 27-30 га кирган йигит аксар ҳолларда 18-23 ёшдаги қизларга уйланади. Натижада бу йигит тенгдошлари ёки ундан бир-икки йил ёшроқ бўлган қизларнинг турмушга чиқишига деярли имкон қолмайди.

Умуман олганда, чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, “зўр” ёки “кўп қатори” тўй беришнинг яна бошқа кўп салбий оқибатларини кўрсатиш мумкин.

Хўш, бундай шароитда маҳалла, унинг фаоллари ҳамда оқсоқоли қандай йўл тутмоқда? Афсуски, Ургутда ҳам, бошқа жойлардаги каби уларнинг таъсири деярли сезилмаяпти. Пулдору мансабдорлар маҳалла билан, оқсоқол билан ҳисоблашиб ўтиришмайди. Кимдир бунинг аксини исботлашга ҳаракат қилса, унга шундай савол бермоқчиман: маҳалланинг озгинагина таъсири бўлганда эди, тўй-маъракаларимиз аллақачонлар рисоладагидек ўтган бўларди, чиқарилаётган қарору тавсияларнинг кучини амалда сеза бошлардик.

“Ҳамма бало оқсоқолларнинг ўзида, — деди ўкинч билан ўзини таништиришни истамаган суҳбатдошларимдан бири, — мана, яқинда маҳалламиз оқсоқоли тўй қилди. Биринчи куни эрталаб ўзига пайғамбар оши деб, дастурхон ёзди, келган ҳар бир меҳмонга пул тутқазди. Ўша куни кечқурун "вечер" ўтказди. Иккинчи кун наҳор оши берди. Бундан кўпчилик ҳайрон. Ахир, ўзи бой бўлиб, бой эмас-да!”.

Ажабо, ҳайратланмасдан бўладими? Пайғамбар ошига келган 600 кишига 50-100 сўмдан бериш зарур эдими? Бу одат қаердан келиб чиқди? Ўзи 63 га кирганда тўй бериш шариатга тўғри келадими? Яқинда қатор жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиб, матбуотда эълон қилинган тўй-маъракаларни ўтказиш бўйича тавсияномада бундай маърака тузишга ҳожат йўқлиги кўрсатиб ўтилган.

Маҳалла, унинг оқсоқоли таъсири уёқда турсин, бундан тепароқда қабул қилинган қарору тавсиялар иш бермаётган экан, қандай йўл тутмоқ керак? Бу саволни бошқача тарзда ҳам қўйиш мумкин: нега шундай бўлмоқда?

Ушбу саволга Ургутда турли жавобларни эшитдим. Менимча, ёши 60 га яқинлашган Хушвақт аканинг қуйидаги қисқа ва лўнда сўзларида жон бордек: “Пулдор ҳам, ўрта- ҳолу ночорроқлар ҳам ўз имкониятидан келиб чиқиб, шунга яраша тўй берсин”.

Маълумки, кўп йиллардан бери ўзига тўқ юртдошларимизни элга қараб тўй беришга қилинаётган даъволар натижа бермаяпти. Бундан кейин бу масалада янада кескинлик юз бериши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки биз буни хоҳлаймизми, йўқми, жамиятда кечаётган ижтимоий табақаланиш жараёни турли оилалардаги кундалик овқатланиш, кийиниш ва юриш-туришдан тортиб, иморат қуришу тўй-маърака тузишгача ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Энди тушунтириш ишларининг йўналишини ўзгартириб, ижтимоий вазият бошқача тус олиб бораётганлигини, ҳар кимнинг сарф-харажати даромадига мос бўлиши лозимлигини бирор-бир оилавий тадбирни ўтказишда қарз олиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини мунтазам таъкидлаб туриш талаб этилади. Бу таклиф кимгадир ёқмаслиги, кимнингдир иззат нафсига тегиши мумкин. Аммо реал воқеликка очиқ кўз билан қараб, шундан келиб чиққан ҳолда иш юритмасак, даъвату таклифу тавсиялар, қарору талаблар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Бу билан тўй-маъракаларни саранжом-саришта, ортиқча харажатларсиз ўтказиш борасидаги тарғибот ишларини тўхтатиш лозим, демоқчи эмасман. Бу борада ижтимоий фикрни шакллантиришни давом эттириш зарур. Фақат кейинги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, асосий эътиборни пулдорларни кичикроқ дастурхон тузишга даъват этишдан кўра, даромади ўртача ва ундан паст бўлганларга ҳамёнига қараб иш тутиш лозимлигини уқтириб туриш шарт. Бунда олақарғага етаман, деб бути йиртилган чумчуқ қиссасини эслатиб туриш фойдадан холи бўлмаса керак. Оммавий ахборот воситалари орқали имконияти бўлмасдан "кўп қатори" тўй берган юртдошларимиз бошига тушаётган турли савдоларни мунтазам кўрсатиб бориш керак. Токи аҳолининг руҳиятида ўзгариш юз бериб, ҳар бир киши қинғир-қийшиқ йўллар билан пул топиб, "зўр" дастурхон тузишни, атрофдагилар олдида уятли бўлмаслик илинжида қарз олиб, тўйдан сўнг шарманда бўлишдан кўра ихчамгина тўй бериб, оиланинг тотувлигини, ёшларнинг бахтини таъминлаш муҳимлигини англаб етсин.

**Сангин ПЎЛАТОВ**

**9 апрель —**

### Соҳибқирон Амир ТЕМУР туғилган кун



***1425 йилда номаълум рассом томонидан ишланган ва «Зафарнома» китобига киритилган суратдан кўчирма.***

(Мақолаларимизни 2-саҳифада ўқинг).

**Учрашув**

# КОНЦЕРТ АРАФАСИДА

*Хабарингиз бўлса керак: 10-24 апрел кунлари пойтахтнинг ҳашаматли "Халқлар дўстлиги" саройида Юлдуз Усмонова ўзининг "Мендан мени сўрама" деб номланган янги дастурини шинавандаларга тақдим этишни ният қилган. Кеча айни шу тадбирга тайёргарлик ишлари хусусида Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносининг мажлислар залида хонанда иштирокидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман тафсилотлари билан ўз мухбиримиз.*



Ўтказилган матбуот анжуманида Юлдузнинг кўпгина мухлислари, маҳаллий ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашиб, хонандага турли хил саволлар билан мурожаат этишди.

**— Юлдуз, айтинг-чи, сиз Олий Мажлис депутати сифатида сайланган округингиз аъзолари билан бугун дунёда, хусусан, Ироқда юз бераётган воқеа-ҳодисалар юзасидан суҳбатлашдингизми? Уларнинг, сизнинг бу хусусда фикрингиз қандай?**

*ИТАР-ТАСС мухбири.*

— Ҳали сайловчиларим билан бу борада учрашиб, уларнинг қарашларини ўрганиб чиқишга вақт топа олганим йўқ. Лекин менинг фикрим — Ироқдагиларни зўравонлик, диктаторликни қурол қилиб олган шахс зуғумидан озод қилиш керак!

**— Концерт дастурини ташкил этишда қандай қийинчиликларга дуч келинди?**

*"БАНК АХБОРОТНОМАСИ" мухбири.*

— Эҳ-ҳе, бундай қийинчиликларга ҳар йили турли кўринишда пешонамни ураман. Мана, масалан, бу йил "Халқлар дўстлиги" саройи маъмурияти билан оз-моз айтишиб ҳам олдик. Улар бир кунлик ижара ҳақини 3 миллион деб айтишмоқда. Ваҳоланки, қонун бўйича 1 миллион 200 минг сўм тўланиши керак. Яна улар концерт олдидан кўриладиган репетицияга ҳам пул талаб қилишяпти.

**— Юлдузхон, агар эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда миллий қўшиқчиликка хиёнат бўлиб турибди. Орадан 10-15 йил ўтгач, миллий қўшиқчилигимиз инқирозга учраб қолмасмикан? Нима дейсиз, ё мен бекорга хавотирланяпманми?**

*"МОҲИЯТ" мухбири.*

— Тўғри, хиёнатнинг бўлаётгани рост. Лекин қанча вақт ўтишидан қатъий назар миллий қўшиқчилигимиз гуллаб тураверади. Сиз билан биз кўриб турган ошкора ўғрилик бунга ҳеч қандай рахна сололмайди. Бу аниқ!

*Хонандага булардан ташқари а-анча савол берилди ва уларга тегишли жавоб ҳам олинди-ю, лекин вақт етмагани туфайли айрим журналистларнинг саволи ичларида қолиб кетди. Мана улар:*

**— Ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳамда интиҳоси бор. Ҳаттоки, қуёш ҳам вақти келиб сўнади. Ана шундай сўнишдан Юлдуз қўрқмайдими?**

*"ҲУРРИЯТ" мухбири.*

**— “Мустақил газета”даги сиз билан қилинган суҳбатда: “Мендан зўри йўқ”, деган маънода гап айтган экансиз. Ростдан ҳам шундаймикан?**

*"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" мухбири.*

**Эксклюзив суҳбатни**
**Дадахон БОСИТ**
**тайёрлади**

**Тақдимот**

# «Муҳаббат синовлари» синовдан ўтди

Кўпгина соҳаларда бўлгани каби кинематографияга ҳам бозор ўз таъсирини ўтказа бошлади. Зотан, бу давр талаби. Эсимда, бундан бир қанча муддат олдин республикамиздаги юзлаб кинотеатрлар ҳувиллаб, ташландиқ ҳолга тушиб қолаёзган, яна бир қанчаси эса кинога алоқаси бўлмаган масканлар (ўйинхона, тўйхона каби)га айлантирилган эди. Қолганлари ҳам хорижнинг ур-сур, олди-қочди фильмларини айлантиришга мажбур эди. Бунга эса сўнгги пайтларда мамлакатимизда турли сабабларга кўра томошабоп фильмларини яратилмаганлиги, кўпгина тизимларнинг узилгани асосий омил бўлди. Мамлакат раҳбарининг айнан ана шу соҳани ҳам ўз эгаларига топшириш, томошабиннинг маънавий чанқоғини қондириш учун фильмлар яратиш масаласидаги саъй-ҳаракати туфайли янги тизим барпо топдики, бунга қўшни мамлакат киночилари ҳам ҳавас қилмоқдалар. Хуллас, кинога ҳам янги кучлар кириб кела бошлади. Кейинги уч-тўрт йил ичида ажойиб картиналар суратга олинди. Ана шу пайтда турли клиплар, мусиқали дастурлар тайёрлаш билан кўпчилик эътиборига тушган студиялар ҳам бел боғлаб кино билан шуғуллана бошлади. Хуллас, қисқа муддатли танаффусдан кейин мана энди бир қанча фильмлар экран юзини кўрди, томошабин эътиборига сазовор ҳам бўлди. “Аёлнинг бир макри”, “Ажал сўқмоғи” кабилар шулар жумласидан.

6 апрель куни эса Алишер Навоий номидаги кино саройи ҳар галгидан гавжум бўлди, десам муболаға бўлмас. Ҳали айтганимдек, шу куни “Давр-Рекордс” ва “Кўзгу” студиялари ҳамкорлигидаги янги “Муҳаббат синовлари” мусиқали фильмининг тақдимотига келганлар саройга сиғмай кетди. (Очиғини айтишим керак, мен ҳам бунчалик одам кўп бўлади, деб ўйламагандим).

Фильм икки ёшнинг бир-бирига муҳаббати ва висолга етишиш онлари йўлидаги изтироблари, шунингдек, кўпчилик ёшлар юрагидаги баъзи бир орзулардан ҳикоя қилади. Фильмни томоша қила туриб, “Бўлар экан-у, ишласа!”, деган хаёл ўтгани эса рост.

Маслаҳатим: келинг, кўринг, маза қилиб дам олинг. Қолаверса, ёшликни бир эсланг, аттанг қилмайсиз.

Ҳа-я, фильм ижодкорлари билан танишиб қўйинг:

Режиссёр — Рустам Саъдиев.

Сценарий муаллифи — Мадина Мўминова.

Оператор — Даврон Нодиров.

Иштирокчилар — Самандар Ҳамроқулов, Манзура Йўлдошева, Мирзабек Холмедов, Илмира Раҳимжонова, Дилшод Каттабеков ва бошқалар.

**Алижон ЭШБОЙ**


**«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда**



**2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ҳимоя

**Адлия вазирининг 2001 йил 11 июнь кунидаги буйруғи билан вазирликнинг бўлим бошлиғи Улуғбек Азизович Мусаев «Малакаси етарли эмаслиги сабабли эгаллаб турган лавозимига нолойиқ», деган важ билан ишдан бўшатилди. Мазкур буйруқдан норози бўлган У. Мусаев Адлия вазирлигига нисбатан фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.**

# СУДДА ЖАВОБГАР... АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ!

Жавобгар сифатида айнан Адлия вазирлигининг суд жараёнида иштирок қилишини тасаввур қилиш қанчалик қийин бўлса, бу ҳолатда ишни кўриб чиқиш натижаси қайси томоннинг фойдасига ҳал бўлишини тахмин этиш шунчалик осондир. Сарлавҳани ўқибоқ, бунга жавоб топганингиз аниқ. (Балки бу сизнинг онгингизда собиқ шўро тузумининг таъсири асоратлари сақланиб қолганлигидандир?) Лекин барибир сизда озгина бўлса-да, шубҳа қолади – суд юриспруденциянинг энг юқори органларидан бири бўлган Адлия вазирлигининг давлат идоралари орасида нуфузи баландлиги, таъсир доирасининг кенглигидан келиб чиқиб, бир томонлама қарор қабул қилмадимикан? Шундай нуфузли давлат идорасига нисбатан ўз ҳуқуқини талаб қилаётган инсоннинг ҳам асослари бўлса керакки, у низони суднинг ихтиёрига ҳавола этибди? (Буни мустақиллик шарофати деса бўлади).

Дарвоқе, даъвогар авом эмас, ўз ҳуқуқини таниган инсон, олий маълумотли ҳуқуқшунос. Меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ҳам унинг анча-мунча юридик тажрибага эга эканлигини, меҳнат фаолияти мобайнида бири-биридан маъсул лавозимларга эришганлигини кўрсатади: 1990 йил Тошкент шаҳар судида таржимон, 8 ойдан сўнг суд мажлиси котиби, 1997 йилдан А. Икромов туман суди консультанти бўлиб ишлаган. Орадан 4 ой ўтиб шаҳар Адлия бошқармасига етакчи мутахассис лавозимига ўтказилган. 1998 йилдан унга янада масъулиятлироқ вазифа – Адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи вазифаси юклатилган. 4 ой ўтганидан сўнг Адлия вазирлигининг жамоат бирлашмалари бошқармасида диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи вазифасига ишга олинган ва ушбу лавозимда то ишдан озод этиш тўғрисидаги буйруқ чиққунга қадар (11.06.2001й.) ишлаб келган.

Демак, аниқки, қаҳрамонимиз Улуғбек Мусаев қандай кучга эга ташкилот билан олишаётганини бошқалардан кўра яхшироқ билади, қўлида етарли асоси бўлмай туриб курашга киришиш бефойдалигини бошқалардан кўра чуқурроқ англайди. Ўсаётган ёш навқирон йигит учун бундай нуфузли ташкилот билан, агар қўлида асос бўлмаса, курашиш унинг учун нечоғли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, ҳарқалай, у етарли ҳис қилади. Келинг, ишнинг айрим ҳолатларига эътиборни қаратамиз.

Демак, У.Мусаев Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми, 2-бандига кўра, малакаси етарли эмас, лавозимига нолойиқ деган важлар асосида вазифасидан озод этилди. Аввало бу ҳолатнинг ғайримантиқий эканлигини англатувчи фактлар мавжуд: 1998 йилнинг март ойида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Ж. Ғайбуллаев, кейинроқ, 2000 йилнинг декабрь ойида Адлия вазирининг ўринбосари П.Саматов томонидан Мусаевнинг номзоди *"хизмат бурчига маъсулият билан қарайдиган, билимдон, талабчан"* дея таърифланиб, судьялик лавозимига тавсия этилган. Жамоат бирлашмалари бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосари Ж.Абдусатторов эса У.Мусаевнинг вазирликдаги фаолияти тўғрисидаги маълумотномада (2000 йил декабрь) у ҳақда ва унинг малакаси ҳақида юқори фикр билдирган. Наҳотки, орадан 6 ой ўтиб, янада билими чуқурлашиши, тажрибаси ортиши мумкин бўлган ҳолатда У.Мусаев малакаси ва лаёқати етарли эмас бўлиб қолиши мумкин? Бу мантиқан мумкин бўлган ҳолатми? Унда муқаддам берилган тавсияномалар ва маълумотномалар ҳам юзаки берилган ва ҳақиқатдан йироқми? Ёки бу ҳолат қуйидагича хулоса чиқаришга изн беради: **Адлия вазирлигида бўлим бошлиғи лавозимида ишлашга малакаси етмаган ходим бемалол судья бўлиши мумкин.**

Энди эса, келинг, мазкур масаланинг ҳуқуқий томонларига эътибор берайлик.

Адлия вазирлигида 1998 йилнинг 6 март кунида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги барча ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом мавжуд бўлиб, унинг Умумий қоидалар бобида *"аттестация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида тузилган аттестация инспекцияси томонидан адлия органлари ва ФҲДЁ ходимларининг ташкилотчилик, ишчанлик, ахлоқий сифатларини тўла, атрофлича баҳолаш, уларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш, уларнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик даражасини белгилаш мақсадида ўтказилади"*, деб белгиланган.

Бироқ суд жараёни мобайнида аниқландики, У.Мусаевнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик даражасини, унинг малакасини белгилаш учун ҳеч қандай аттестация ўтказилмаган. Низомнинг 4-бобида *"аттестация инспекцияси ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади"*, дейилган. Аттестация ўтказилмаган бўлса, аллақандай аттестация инспекциясининг қарори қаердан пайдо бўлсин!?

Яна шу бобда *"аттестациядан ўтувчи ходимнинг эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги тўғрисидаги аттестация инспекциясининг тавсияси ва хулосалари тегишли адлия органлари раҳбарларининг буйруғи билан амалга оширилади"* деб кўрсатилган. Демак, ушбу Низомга кўра, У. Мусаевнинг лавозимига лойиқ ёки лойиқ эмаслиги ҳақидаги масалани фақат ва фақатгина аттестация орқали, аттестация инспекциясининг тавсия ва хулосаси орқали кўриб чиқиши керак эди. Ваҳоланки, вазирликнинг ўзи мазкур Низом қоидаларини тўлалигича бузди – аттестация ўтказмасдан У. Мусаевнинг малакаси етарли эмас, деган хулосага келди.

Қизиғи шундаки, М.Улуғбек туманлараро фуқаролик судининг судьяси С.Ишанқулова ҳам бу асоссиз хулосани тасдиқлаб, У.Мусаевнинг даъвосини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Ўз навбатида эса Тошкент шаҳар фуқаролик судининг апелляция инстанцияси ҳам ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди.

Олий Суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорида *"аттестация комиссиясининг хулосаси ходимнинг малакаси етарли эмаслигини тасдиқловчи далиллардан биридир"* деб белгиланган. Ушбу ва шу каби қарорларнинг амалиётда қўлланиши қуйи судлар учун мажбурий эканлигини инобатга олсак, судья С.Ишанқулова мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқаётганида қарор талабларини бажариши шарт эди. Аммо қуйи суд органи ва кейинчалик, апелляция инстанцияси нафақат бу қарорга риоя этмади, балки У.Мусаевнинг малакасини тасдиқлаши мумкин бўлган бу ҳужжатни жавобгар томондан сўраб ҳам ўтирмади (чунки у йўқ-да). Аксинча, суд органлари Адлия вазирлигида ўтказилган хизмат текшируви материалларига У. Мусаевнинг малакасини тасдиқловчи ҳужжат *"мақом"*ини беришга ҳаракат қилди. Шунинг ўзиёқ судья ишни нечоғли кўрганлигини билдириб турибди.

Апелляция инстанциясининг ажримидан ўқиймиз: *"У. Мусаев фаолиятида мавжуд бўлган ҳолатлар даъвогарда раҳбар ходимдан талаб этиладиган ишчанлик хислатлари («деловые качества») етарли эмаслигини тасдиқлайди. Айнан шу ҳолатлар Адлия вазирлигида даъвогарнинг аризасига кўра ўтказилган хизмат текшируви жараёнида аниқланган"*. Пленум қарорида ҳам, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам, Адлия вазирлигининг айтиб ўтилган Низомида ҳам хизмат текшируви хулосалари ходимнинг малакаси тўғрисида далил бўла олади, деган жойи йўқ. Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қандай қонун ҳужжати асосида юқоридаги хулосага келишганлиги бизга қоронғи. Маълуми шуки, улар Олий Суд Пленуми қарори талабини бажармадилар ва хизмат текшируви ҳужжатлари ҳеч қачон ходимнинг малакасини аниқлайдиган далил бўла олмаслигини инобатга олмадилар. Тўғрироғи, хоҳламадилар. Бу – очиқдан-очиқ Адлия вазирлигининг (жавобгарнинг) ёнини олишдир.

Келинг, Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик суди ҳам, Тошкент шаҳар суди ҳам У.Мусаевнинг малакаси етарли эмаслигига *"далил"* қилиб келтираётган хизмат текшируви материалларига алоҳида тўхтала қолайлик.

Хизмат текшируви вазир ўринбосари П.Саматовнинг билдиргиси ва У.Мусаевнинг аризаси асосида ўтказилди. Вазир ўринбосари билдиргисида У.Мусаевнинг ишга кеч келиб эрта кетаётгани, яъни меҳнат интизомини бузаётганлиги айтилган бўлса, **У. Мусаевнинг аризасида вазир ўринбосари П.Саматов ва жамоат бирлашмалари бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосари Ж.Абдусатторовлар томонидан унга нисбатан тазйиқ ўтказилаётганлиги ёзилган**. Вазир ўринбосари ва оддий ходим талаби асосида ўтказилган хизмат текшируви натижаси нима бўларди? Хизмат текширувини олиб бориш вазирликнинг бошқа бир оддий ходимига юклатилганлиги эътиборга олинса ва мантиқан фикр юритилса, текширув кимнинг фойдасига якунланиши мумкинлигини англаш учун унчалик теран ақл керак эмас.

Хуллас, текширувда Вазир ўринбосари билдиргисида маълум қилинган фактлар нафақат тасдиқланди, балки вазирликка кўпроқ ҳолатлар маълум бўлди: бу У.Мусаев деганлари *"интизомбузардан"* ташқари, "*лавозимига нолойиқ, малакасиз*" раҳбар ҳам бўлиб чиқди ва ишдан бўшатилди.

У.Мусаевнинг аризаси эса, табиийки, умуман тасдиқланмади.

Тазйиқдан ҳимоя қилиш сўраб ёзилган ариза асосида ўтказилган хизмат текшируви, буни қарангки, охир-оқибат У.Мусаевнинг ўзини вазирликдан ирғитиб юборди. 3 йил мобайнида лавозимига нолойиқлиги ҳеч кимга билинмаган ходимнинг малакасизлиги бир хизмат текширувида аниқланди-қўйилди.

Хизмат текшируви хулосасидан кўринишича, хулоса вазир ўринбосари П.Саматов, бошқарма бошлиғи ўринбосари Ж.Абдусатторов, шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Инонбобоевларнинг тушунтиришларига асосланган. Ваҳоланки, У.Мусаев айнан шу мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари юзасидан ариза билан мурожаат қилган бўлиб, бу ҳолатда уларнинг қандай тушунтириш беришлари ҳам аниқ. Шундай экан, ўринли савол туғилади: хизмат текшируви холис олиб борилдимикин?

Мана, ўша хизмат текширувида аниқланган фактлар: (шуни эътиборга олиш керакки, судлар бу далилларни хизмат текшируви хулосасида кўрсатилган ҳолда бус-бутунича қабул қилган).

**1.** Хулосага қараганда, У.Мусаев 08.05.2002 йилда ишдан ярим соат олдин кетган экан. Ваҳоланки, байрамолди кунлари МКнинг 121-моддасига асосан ишдан камида бир соат олдин кетишга У. Мусаев эмас, бошқа ходимлар ҳам ҳақлидир. Буни меҳнат интизомини бузиш деб баҳолашга юқоридаги модда талаби йўл қўймайди. Бу вазирлик ходимларига кейинроқ маълум бўлган шекилли, судга келиб бу *"айблов"* йўқолиб қолаяпти. Иш материалларида фақат 10 май куни ишга бир соат кеч келганлиги ҳақида У.Мусаевнинг тушунтириш хати — далил мавжуд. Суд эса буни бўрттириб, "ишга кеч келиб, эрта кетиб юрган", яъни кўплик, мунтазамлик маъносида кўрсатади. Ваҳоланки, судда У.Мусаевнинг мунтазам равишда меҳнат интизомини бузганлиги ҳақида вазирлик бошқа бирор бир далил кўрсатолгани йўқ. **Шуниси эътиборга сазоворки, бутун меҳнат фаолияти мобайнида У.Мусаевга нисбатан ҳеч қандай интизомий жазо қўлланилмаган.** Шундай бўлса-да, суд юқоридаги ҳолатга *"мунтазам"* маъносини беришга, яъни бўрттиришга ҳаракат қилади. Бу нарса эса ҳар бир кишида, табиийки, судьялар масалага фақат бир томонлама ёндашган, деган фикр уйғотади.



Бундан ташқари, ҳар бир ташкилотда ички меҳнат тартиб-қоидалари бўлади, унда, масалан, иш вақти бошланиши, тугалланиши, тушлик вақти белгиланган бўлиши керак. Ва шу ҳужжатга асосан ички меҳнат тартиб-қоидалари бузилганлигини билиш мумкин. Вазирлик жамоа шартномасининг 2-бўлим, 23-бандида *"Иш вақтининг давом этиши, ундан унумли фойдаланиш тартиби, ишнинг бошланиш вақти ва тамом бўлиши Ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади"* деб кўрсатилган. **Буни қарангки, Адлия вазирлигида бундай ички меҳнат тартиби қоидалари йўқ экан!** Ҳарқалай, суд жараёнида даъвогар томонидан ҳар қанча сўралишига қарамасдан, жавобгар томони бундай ҳужжатни судга тақдим қила олмади.

Бундай ҳолатда эса меҳнат интизомини бузиш ва ишга кеч келиб эрта кетиш ҳақида гапириб бўлмайди ва суд бу ҳолатда ходим меҳнат интизомини бузган, деб хулоса чиқариши учун асосга эга эмасдир.

**2.** Навоий вилоят Адлия бошқармасидан бир гувоҳнома юборилган бўлиб, у кўриб чиқиш учун У.Мусаевга топширилган экан. *"У.Мусаев ижрони чўзиб юборган ва унга текширинг дейилмаган бўлса-да, якшанба куни қонунсиз Панченко кўчаси, 35-уйдаги евангел христиан баптистлар черковини текширган"*, дейилади хизмат текшируви хулосасида.

*"Мен гувоҳноманинг қонунийлигини текшириб, натижалари ҳақида раҳбариятга — Ж.Абдусатторовга маълум қилганман,* — дейди У.Мусаев. — *У эса, "бу нозик масала, ўзим ҳал қиламан" деб, ижрони кейинга қолдирган. Қолаверса, якшанба куни чиқиб, гувоҳномани жойида текшириш ҳеч қандай қонунга ва Адлия вазирлигидаги ҳеч қандай қоидага зид эмас. Аввало, христиан черковларида якшанба куни ибодат куни ҳисобланади. Диний ташкилотнинг раҳбарларини айнан шу куни жойидан топиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, бу ҳолат шаҳар суди ажримида "даъвогар ўрнатилган тартибга риоя қилмай, раҳбариятдан тегишли рухсатнома олмай туриб" дея ифодаланган. Суд мажлисларида вазирликда "диний ташкилотларни текширишни ўтказиш тартиби" мавжуд эмаслиги, бундай норматив ҳужжат ишлаб чиқилмаганлиги, ходимларга текширишларга чиқиш вақтида ҳеч қандай тегишли рухсатнома берилмаслиги аниқланди. Судьяларнинг юқоридаги хулосаси ана шуларга кўра асоссиздир"*.

Шу ҳолат бўйича евангел христиан баптистлар черкови ходимларининг У.Мусаев ҳаракатидан норози бўлиб ёзган хати ёки шикояти йўқ. Умуман, **бутун меҳнат фаолияти мобайнида У.Мусаевга нисбатан бирорта ташкилот ёки фуқародан ариза ёки шикоят келиб тушмаган.** Аксинча, ЕХБ черковлар уюшмаси раиси П.Пейчевнинг Адлия вазири номига қуйидаги мазмунда ёзган хати бор: *"Бошқарма бошлиғи ўринбосари Ж. Абдусатторов менга бир неча бор қўнғироқ қилиб чақирганидан сўнг мен 21 май куни Адлия вазирлигига келдим. Ж.Абдусатторов мен билан ўз хонасида У.Мусаев ва бошқа адлия ходимининг 2001 йил 18 февраль куни бизнинг диний ташкилотга қилган ташрифи ҳақида суҳбатлашди. Сўнгра Ж.Абдусатторов мендан очиқдан-очиқ: "Сиз У.Мусаевга пора бердингизми?" деб сўради. Мен унга йўқ деб жавоб бердим ва У.Мусаевга нисбатан ҳеч қандай эътирозим йўқлигини айтдим. Шунда Ж.Абдусатторов менга бу гапларни ёзиб беришни таклиф қилди. Менга берилаётган саволларнинг мазмунидан хавотир олиб, унга рад жавобини бердим. Шунда у сўроқ протоколини туздирди. Бироқ мени у билан таништирмади, имзо қўйдирмади ва бир нусхасини ҳам бермади.* ***Бундай суҳбат 19 май шанба куни ЕХБ Сирғали черкови ходими С.Козин билан ҳам бўлиб ўтган. Ж.Абдусатторов ўз хизмат машинасининг ичида унга шу каби саволлар бериб, тушунтириш хати ёздириб олган"*.** Ушбу хатида П. Пейчев бу каби учрашувлар ва сўроқлар уни ташвишлантираётганини маълум қилиб, ўзига нисбатан тузилган протоколдан нусха беришни сўраган.

Бир нарсага эътибор беринг: бу пайтда хизмат текшируви кетаётган эди. Текширувни кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Тўрабеков **олиб бораётган бир пайтда Ж.Абдусатторовнинг юқоридаги ҳаракатларини қандай баҳолаш керак?** Унинг У.Мусаев фаолиятидан кир излашга киришганини нима деб тушунмоқ зарур? Йўқса, қани П.Пейчев билан қилинган суҳбат баённомаси-ю С.Козиндан ёздириб олинган тушунтириш хати? Улар балки У.Мусаевга қарши бирор нарса дейилмагани учун хизмат текшируви материалларига қўшилмагандир? Бу ҳолатда хизмат текширувининг холис ўтказилганлигига шубҳа уйғониши табиийдир. Ваҳоланки, хизмат текшируви У.Мусаевнинг аризасига кўра бевосита Ж.Абдусатторов устидан ҳам кетаётган эди. У мана шундай шароитда У.Мусаевга нисбатан компромат йиғишга ҳаракат қилишига ҳаққи бормиди?

**3.** Хизмат текшируви хулосасида *"У.Мусаев Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.Инонбобоев билан биргаликда "Милость" евангел хайрия жамияти диний ташкилоти биносининг архитектура, санитария ва ёнғиндан сақлаш ҳолатини рухсатсиз текширган"*, деб ёзилган. Албатта, бино ҳолатини текшириш ҳокимият ходимларининг ваколати. *"Кўп диний ташкилотларда ўтказилган текширувлар натижаси уларнинг биноси диний ташкилот эҳтиёжи учун мос келмаслиги, туман ҳокимлиги мутахассислари томонидан берилган хулосалар юзакироқ эканлиги аниқланган. Шунинг учун адлия органлари ходимларининг бундай текшируви мақсадга мувофиқ ва бу ҳеч қандай қонунга зид бўлган ҳаракат эмас. Аксинча, адлия бошқармаси кўр-кўрона эмас, балки диний ташкилот биносининг ҳақиқий аҳволини билиб, уни рўйхатга олиш масаласини ҳал этса, бу ҳолат фақатгина қўллаб-қувватланиши лозим. Бундан ташқари, мен у ерга расмий равишда эмас, балки Инонбобоевга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун борганман"*, деб ҳисоблайди У.Мусаев. Қолаверса, текширув натижасида тузилган маълумотномада У.Мусаев имзоси йўқ. Демак, бу текширувда у бевосита иштирок қилган дейишга ҳам асос йўқ. Маълумотномани А.Инонбобоев тузган ва имзолаган. Бироқ диний ташкилотни текширган ва маълумотномани имзолаган А.Инонбобоевга ҳеч қандай жазо чораси кўрилмай, бу айб У.Мусаевга ёпиштирилгани қизиқ?! Ёки вазирликда алоҳида имтиёзга эга бўлган ходимлар борми?

Биз буйруқ чиқаришга сабаб бўлган ҳолатларга тўхталдик. Лекин У.Мусаевнинг эътирозига сабаб бўлган нарсалар фақат бу эмас, келинг, энди шулар ҳақида ҳам гапирайлик.

Меҳнат қонунчилиги билан бевосита шуғулланадиган иккита бообрў ташкилотнинг ҳуқуқшунослари, яъни, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи А. Рисқуллаев ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳуқуқшунослари Х. Премқулов ҳамда А. Гайназаровлар Адлия вазирининг буйруғи ғайриқонуний эканлигини эътироф этиб, расмий хулосалар берганлар. Касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат ҳуқуқи нозири Н.Тиллахўжаева эса юқоридаги буйруқни бекор қилиб, У.Мусаевни ўз лавозимига тиклаш ҳақида Адлия вазирига 5 июль куни (2001 йил) ёзма кўрсатма ҳам юборди. Лекин...

Юқоридаги ҳуқуқшуносларнинг расмий хулосаларида ва судда берган баёнотларида айтилишича, У.Мусаевни 100-модда 2-қисми 2-банди билан бўшатилганлиги ҳақидаги Адлия вазирининг буйруғи қуйидагиларга кўра ғайриқонунийдир:

**1.** У. Мусаевнинг малакаси етарли эмаслигини тасдиқловчи ҳолат аниқланмаган. Буйруқ унинг эгаллаб турган лавозимига нолойиқлигини тасдиқловчи бирон бир ҳужжатга асосланмаган. Аттестация комиссиясининг хулосаси йўқ.

**2.** МКнинг 102-моддаси талабига кўра, Адлия вазирлиги У.Мусаевни ишдан бўшатиш тўғрисида камида 2 ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши ёки шунга мутаносиб компенсация тўлаши шарт эди. Бу қонун талаби мутлақо бажарилмаган.

**3.** МКнинг 92-модда 2-қисмида *"Агар объектив сабабларга кўра (100-модда 2-қисми 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт"* деб кўрсатилган бўлса-да, маъмурият томонидан У.Мусаевга бошқа бирор иш таклиф этилмаган, оқибатда МКнинг юқоридаги талаби бузилган.

**4.** Олий Суд Пленумининг 12-сонли қарори ва МКнинг 102-моддаси талабига кўра, меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисмининг 2 ва 6-бандлари асосида бекор қилинишида иш берувчи меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришнинг бутун муддати давомида ходимни ишга жойлаштириш чораларини кўриши шарт. Ваҳоланки, бундай чоралар вазирлик томонидан кўрилмаган. Натижада, У.Мусаевнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари бузилган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспекцияси ходими А.Гайназаров ўз хулосаларида ва судда берган баёнотларида Адлия вазирлиги томонидан йўл қўйилган яна бир қатор қонун бузилишларини санаб ўтиб, апелляция шикоятида *"Менинг судга ёзма равишда билдирган ушбу фикрларимнинг рад этилиш асослари суднинг қарорида кўрсатилмаган"*, деб ёзади.

Ҳақиқатдан ҳам, суд меҳнат қонунчилиги бўйича юқори мутахассис бўлган ҳуқуқшуносларнинг хулосаларини ҳам, суддаги баёнотларини ҳам умуман инобатга олмасдан, буйруқ тўғри чиқарилган, деб даъвогарнинг талабини рад этди.

Ўзбекистонда меҳнат қонунчилиги битта ва у икки хил талқин қилиниши мумкин эмас. Қозиларимиз билан юқорида айтилган ташкилотлардаги ҳуқуқшуносларнинг фикри икки жойдан чиқаётганига ҳайрон қоласан киши.

Яна ҳайрон қоладиган жойи шуки, ушбу қонун талаблари даъво аризасида ҳам, апелляция шикоятида (шу жумладан, А.Гайназаровнинг апелляция шикоятида) ҳам савол қилиб қўйилаётганига қарамай, на М.Улуғбек туманлараро суди судьяси С.Ишонқулова, на шаҳар суди судьялари Ҳ. Ҳакимова, Т. Мардиева ва Ж. Мавлоновалар томонидан бунга бир оғиз жавоб берилди!? Буйруқни қонуний деб топган судья, уни ноқонуний деб турган даъвогарлар саволларига жавоб бериши – асослантирилган жавоб бериши қонунга асосан шарт эмасми? Ахир суд идораси фақатгина қонунга таянадиган ва асосланадиган мустақил суд идораси-ку?!

Буларни қуйи суд идоралари десак, Олий Суд ҳам У.Мусаевнинг аризаларини 7 ой мобайнида ўрганиб чиқиб, юқорида биз баён этган ҳолатлардан хабардор бўла туриб рад жавоби берди... Бу ҳолатни изоҳлашга ожизлик қиламиз.

У.Мусаев навқирон ёшда, ҳали 35 га тўлиб улгурмади. Ўрнини ҳам топган – "Ўзулгуржисавдо" АКда юридик бўлим бошлиғи, адвокатлик лицензиясига ҳам эга, ўз севимли касбида ишламоқда. Шуниси аниқки, у иш жойи, обрў, мансаб талашаётгани йўқ. У адолат ўрнатилишини, қонун устувор бўлишини, ўз ҳуқуқлари тикланишини талаб қиляпти. Агар у ҳақ бўлса, иккинчи томонда Адлия вазирлиги тургани учун ноҳақ дейиш адолатдан эмас. Агар у ноҳақ бўлса, оддий ходим бўлгани туфайли ноҳақ бўлмасин! Келингки, қонун унинг ёнини олса, биз – жамоатчилик ва давлат нега унинг ёнида турмаслик керак. Фуқаролик, ҳуқуқий-демократик, яъни қонун устувор бўлган жамият қуришнинг мақсади, тўғрироғи, талаби шу эмасми?!

Яна таъкидлаш лозимки, бундай жамиятни бирор идоранинг нуфузи ва таъсир кучидан қўрқиб, унинг соясига салом берадиганлар эмас, тап тортмай ундан ҳақини талаб қиладиганлар қуриши аниқ!

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**журналист**

Сана

# Мен «1425»га ишонаман

1989 йил эди.

Москвада Арбат кўчасини айланиб юрган эдик, бир жойда Н. Герасимовнинг расмлари, қўлёзмалари сотувга чиқарилган экан. Нарсалар орасида салла ўраган, кенг пешонали, мулойим нигоҳли қария акс этган сурат диққатимни тортди. "Бу ким?" деб сўрадим мен. Сотувчи қиз унинг Амир Темур эканлигини, бу расм Н. Герасимов томонидан ишланган илк суратию баҳоси ҳам фалон пул туришини қистириб ўтди. Суратни сотиб олмоқчи бўлдик, афсуски, пулимиз камлик қилди. Кечаси бўлганлиги учун эртаси етарли пул олиб келиб, суратни сотиб олмоқчи эканлигимизни айтиб, у ердан кетдик. Лекин, минг афсуски, ўша суратни қўлга кирита олмадик. Бир ҳафта кутсак ҳам ўша сотувчи қизни қайтиб у ерда кўрмадик. Ҳалиҳали афсус қиламан. Жуда ноёб суратни қўлдан чиқариб юборганлигимдан минг-минг пушаймон еяман ҳалигача.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг қиёфасини тасвирлар экан, "... юзи оқ-қизилдан келган, биронта доғи йўқ", дея таъриф беради. Ўша сурат араб муаррихи таърифларига мос эди. Шу ўринда менда: "Нега Герасимов икки хил йўл тутди?" деган савол пайдо бўлди ва бунинг жавобини топишга ҳаракат қилдим. Тасодифни қарангки, 1956 йилда нашр этилган "Москва шаҳри тарихи" китоби қўлимга тушиб қолди. Унда Н. Герасимов томонидан ишланган қаҳри қаттиқ подшоҳ Иван Грознийнинг сурати бор эди. Ана энди буёғини эшитинг.

Маълум бўлишича, ҳақиқатдан ҳам Н. Герасимов Амир Темурнинг қиёфасини Ибн Арабшоҳ тасвирлаган ҳолатда яратишни кўзлаган. Бу борада Соҳибқироннинг бош чаноғи асосида қатор изланишлар олиб борганлигини тарихдан яхши биламиз. Қуйидаги сурат ана шу узоқ, машаққатли изланишларнинг самараси эди. Лекин... лекин бу сурат шўро мафкурачилари томонидан жуда ёмон қарши олинди, ҳатто ҳайкалтарош боши узра қатағон ойболтаси ўйнаганлиги ҳам равшан. Худди шу пайтларда у Иван Грознийнинг бюстини ҳам яратаётган эди. Қатағонга учрашдан чўчиган Н. Герасимов виждонга қарши боришга, Иван Грознийнинг бюстига Амир Темурнинг бўркини ўрнатиб: "Мана, Амир Темур", дея шўро мафкурачиларига ҳавола этишга мажбур бўлади.



Иван ГРОЗНИЙ

Лекин ҳеч замонда "ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолганми?!" Қолган эмас. Пушкин ҳам олдинроқ уларга шу мақолни эслатиб кетган экан:

***Ваҳший рассом мудроқ беизм,***
***Гений суратини бузади.***
***Ва у сурат устига ўзин***
***Бебурд суратини чизади.***

***Лекин у ёт бўёқлар бир-бир***
***Кўчиб тушар йил сайин, аён.***
***Ва гений ижоди беқусур***
***Аввалгидек бўлур намоён.***

Биз истаймизми-йўқми, ҳаёт бир кун ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди. Биз ана шу ҳақиқатни яна бир карра кўрдик. 1425 йилда "Зафарнома" китобига киритилган суратга эътибор беринг, ҳақиқат янада ойдинлашгандек бўлади.

**Тўлқин ҲАЙИТ**

# НАФСИ ЁМОН ҲИММАТСИЗЛАРДАН ХОЛИ ЭТДИМ МАЖЛИСЛАРИМНИ

***Буюк давлат арбоби ва саркарданинг "Темур тузуклари" асари инсоният маънавий қадриятининг энг асалларидан биридир. Бу машҳур асар ҳозирга қадар дунёнинг юзлаб тилларига таржима қилинган. У ҳамон фаоллик билан ўқилмоқда, ўрганилмоқда. Бу ноёб асарни ўзига хос шаклларда тарғиб этиш эса ҳар қандай даврда ҳар қандай ижодкорнинг шарафли бурчидир.***

***Таниқли журналист ва шоир Юсуф Бердиев бир неча йилдан бери "Темур тузуклари" устида иш олиб боряпти, яъни унинг асосида шеърий туркум яратмоқда. Ишнинг бир қисми Амир Темур таваллудининг қутлуғ 660 йиллиги нишонланган йилда чоп этилган "Жаҳонгир қўшиғи" (ўзбек ва рус тилларида) тўпламида эълон қилинган эди. Яқинда ижодкор ана шу туркумнинг иккинчи қисмини ёзиб тугатди. Қуйидаги рубоийлар ана шу туркумдан олинган.***

*(«Соҳибқирон сабоқлари» туркумидан)*

***Ўйлаб гапир, кўнгил ранжир,***
***Арзимаган бир сўз билан.***
***Аммо-лекин олиб бўлмас,***
***Дилни баъзан минг сўз билан.***

* * *

***Одам — сирли, одам — жумбоқ,***
***Буни фаҳм эт дилингдан сен.***
***Одамларни биламан, деб,***
***Қоқилмагин тилингдан сен.***

* * *

***Турланар табиат тинмай,***
***Шундай, ҳаёт қонуни — бул.***
***Аммо-лекин тенглашолмас,***
***Турланишда одамга ул.***

* * *

***Саййид, олим, фузалоларга***
***Очиб қўйдим эшикларимни.***
***Нафси ёмон ҳимматсизлардан***
***Холи этдим мажлисларимни.***

* * *

***Юз ўгирса соҳибидан сипоҳий,***
***Буни туз ҳаққига хиёнат, дедим.***
***Ул одам ҳузримга ташриф айласа,***
***Менга ҳам бевафо, яъни ёт дедим.***

* * *

***Буюк Турон тузмоқ учун,***
***Уюштирдим кўп юрт, элни.***
***Аммо, жоно, ололмадим,***
***Сендаги ул бир кўнгилни.***

**Юсуф БЕРДИЕВ**

Хабар

# ЖУРНАЛИСТ АВВАЛО ЎЗИГА ИШОНСИН

Қарши шаҳрида Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармасининг Ўзбекистон ваколатхонаси ҳамда "Мулоқот клуби" нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Мулоқот" журналистлар клуби лойиҳаси дастури доирасида ўтказилган психологик тренингда асосий эътибор журналист шахсида совет тоталитар тузуми хоҳиш-иродаси билан шаклланган ва ҳамон сақланиб келаётган асорат — ички цензура (самоцензура) даражасини камайтириш ва бугунги демократик жараёнлар талаб этаётган журналист шахсида ўз-ўзига бўлган ишонч (самооценка)ни оширишга қаратилди. Айни пайтда журналист шахсида ўз-ўзига бўлган ишончнинг ошиши ниҳоятда зарур. Яъни, журналистнинг психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши бу бир томондан журналистик материаллар сифатига ижобий таъсир этса, иккинчи томондан оммавий ахборот воситаларининг демократлашувида муҳим аҳамият касб этади.

Журналист шахсида ўз-ўзига бўлган ишончнинг ошишида ахборот алмашиш ва ўзаро мулоқотлар асосий ўрин тутади. Психологик тренинг давомида журналист шахсида ички цензуранинг пайдо бўлиши, танлаш имконияти ва унинг касбий фаолиятидаги аҳамияти, муаммоларга позитив ёндашиш, низоли вазиятлардан чиқиш йўллари ҳамда ўзаро мулоқотнинг журналист шахсида ўз-ўзига бўлган ишончнинг ошишига таъсири каби масалаларга аҳамият қаратилди.

Тадбирга Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги газета муҳарририятлари, телерадиостудиялар, турли идоралар матбуот хизмати вакиллари таклиф этилди.

**М. ТЎЙЧИЕВ**

## Дунё

### ИТТИФОҚЧИЛАР ПОЙТАХТ БЎСАҒАСИДА

**Хориж ОАВ тарқатган хабарларга қараганда, АҚШ**



**ҳарбий бўлинмалари Бағдоддан бир неча ўн километр узоқликда жойлашган Саддам Ҳусайн номидаги халқаро аэропортни ниҳоят ўз назорати остига олишга муваффақ бўлган. Бироқ бу маълумотни Ироқ расмийлари тасдиқлаганича йўқ.**

**"Евроньюс" маълумотларига кўра, душанба куни Қўшма Штатларга тегишли танклар воситасида Бағдод маркази ўққа тутилган. Бироқ бу пойтахт учун ҳал қилувчи жанглар бошланганини билдирмайди. Ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилаётган Марказий Бошқарма вакилларига кўра, ҳужум Ироқ армияси кучини чамалаб кўриш мақсадида ўтказилган.**

GLOBUS international life

### ИККИНЧИ ФРОНТ ОЧИЛАДИМИ?

**Айни пайтда Ироқ шимолидаги Мосул, Киркук шаҳарлари ҳам фаол ҳарбий ҳаракатларга тортилган. Бу ерга 1000 дан зиёд Америка аскарлари келтирилгунга қадар асосий операциялар жануб ва марказда амалга оширилаётганди. Эндиликда мамлакат шимолидаги ҳаракатларда курдлар америкалик аскарларга кўмак беряпти. Иккинчи фронтнинг очилиши урушда ҳал қилувчи бурилиш ясаши кутилаётганди. Бироқ мутахассислар фикрича, шимолда ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши тўла маънода иккинчи фронт очилганидан далолат беради, деб бўлмайди.**

### *КИМНИНГ ҚАНЧА УЛУШИ БОР?*

Европа Иттифоқи, Европа Инвестиция Банки ва жаҳоннинг 60 мамлакати ЕТТБ муассиси экани сизга маълум. Хўш, банкнинг 19,61 миллиард евро умумий қийматга эга акцияларига қайси мамлакатлар эгалик қилади? Йирик молия ташкилоти капиталида қайси давлатнинг улуши кўпроқ? ЕТТБнинг айрим акциядорлари акс этган қуйидаги жадвалдан ушбу саволларга жавоб олишингиз мумкин.

| Давлат, ташкилот номи | Акция қиймати (евро) |
|---|---|
| АҚШ | 2 млрд. |
| Буюк Британия | 1 млрд. 703,5 млн. |
| Германия | 1 млрд. 703,5 млн. |
| Италия | 1 млрд. 703,5 млн. |
| Франция | 1 млрд. 703,5 млн. |
| Япония | 1 млрд. 703,5 млн |
| Россия | 800 млн. |
| Испания | 680 млн. |
| Европа Иттифоқи | 600 млн. |
| Европа Инвестиция Банки | 600 млн. |
| Украина | 160 млн. |
| Қозоғистон | 46 млн. |
| Ўзбекистон | 42 млн. |
| Латвия | 20 млн. |
| Литва | 20 млн. |
| Молдова | 20 млн. |
| Тожикистон | 20 млн. |
| Қирғизистон | 20 млн. |
| Туркманистон | 2 млн. |

**Материалларни С. САЛИМ тайёрлади.**

# ҲАКАМ ИСЛОҲГА МУҲТОЖ

Бугунги сиёсий вазият жуда мураккаб. Уни англаш ва идрок қилиш ўта ҳушёрликни, синчковликни, кузатувчанликни, билимдонликни, чуқур мулоҳаза-мушоҳадани талаб қилади. Айниқса, фикр баён қилишда, муносабат билдиришда ва хулоса чиқаришда етти ўлчаб бир кесиш керак.

Бу борада баъзан сиёсатчилар ва журналистлар тугул, ҳатто дипломатлар ҳам қийин аҳволда қолишади. Ким тўғри-ю, ким эгри? Ким зўравон-у, ким хўрланган? Кимни ҳимоя қилиш кераг-у, кимни қоралаш керак? Умуман, ҳақиқат тарозиси қаерда? Агар у бўлса, тарози тошлари кимнинг қўлида? Хуллас, саволларнинг саноғи, ўй-фикрларнинг адоғи, мулоҳазаларнинг якуни йўқ. Баъзан ўйлаб ўйингга етолмайсан: ер юзида нима бўляпти ўзи? Бироқ ёзиш, шарҳлаш, бу саволга жавоб топиш керак.

Дунё яралибдики, низолар бор, урушлар бўлиб турибди. Уруш борки, ваҳшийлик, вайроналик, жабр-ситам, жудолик, жаҳолат бор. Йигирманчи асрнинг ўзида иккита жаҳон уруши бўлди.

Урушдан зада бўлган халқлар ва давлатлар энди ўзларига Олий ҳакамни — Бирлашган Миллатлар Ташкилотини сайлаб олдилар. Дастлаб жаҳон жамоатчилиги бу ҳакам энди барча низоларнинг, уруш-жанжалларнинг, келишмовчиликларнинг олдини олади, зўравонни жиловлаб, хўрланганни ҳимоя қилади, ер юзида тинчлик-хавфсизликни, ҳақиқат мезонини, холисликни таъминлайди, деб ишонган эди. Бироқ акси бўлиб чиқди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан бири — СССР олий ҳакамликнинг бош тизимидаги шерикларини доғда қолдиришда ибрат кўрсатди. Совет қўшинлари Хавфсизлик Кенгашининг рухсатисиз дастлаб Венгрияга, сўнгра Чехословакияга ва, ниҳоят, Афғонистонга бостириб кирди. Олий ҳакамдаги ҳақиқат мезони ўшанда бузилган эди. БМТни менсимаслик ўшанда бошланган эди. Хавфсизлик Кенгаши нималарга қодир ёки қодир эмаслиги ўшанда маълум бўлган эди. Олий ҳакам қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлаш механизми мукаммал эмаслиги ўшанда ошкор бўлган эди. Иложсизлик ва қатъиятсизлик жараёни ўшандан бери давом этиб келяпти. Баъзилар бунга бугун ҳайрон қолишяпти.

БМТ ва унинг жанговар тизими — Хавфсизлик Кенгашининг жаҳонда тутган ўрни ва аҳамиятини мутлақо камситмаган ҳолда бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчимиз. Айтинг-чи, Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқдаги, Кашмирдаги, Кипрдаги, Болқондаги, Афғонистондаги вазиятлар бўйича қабул қилган қарорларидан қайси бири бажарилди?! Ҳамиша қизғин мунозаралар ва тортишувлардан кейин овоз берилади, қарор қабул қилинади ва шу билан нуқта қўйилади. Ижрони таъминлайдиган аниқ механизм йўқ ёки бунга БМТ Бош котибининг алоҳида бир ваколати ҳам йўқ. Аслида Бош котиб ҳам қарор қабул қилишда ҳал қилувчи овозга эга бўлган бешта давлатнинг раъйига қараб иш кўради. Бу беш давлат эса энг долзарб масалаларда ҳеч қачон бир-бирига хайрихоҳлик кўрсатмаган.



Келинг, яхшиси, фикримизни исботлаш учун "совуқ уруш" даврига мурожаат қилайлик. Кўп йиллар мобайнида Хавфсизлик Кенгашида шундай вазият юзага келдики, АҚШ билан СССР бир-бирларининг таклифларини ўтказмаслик учун вето қўллашда ёмон маънода рақобатчи бўлиб қолишди. Бу нарса халқаро вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Яқин Шарқ можароси, Кариб инқирози, Ҳиндистон — Покистон, Вьетнам урушлари, Африкадаги қонли низолар ўша пайтда келиб чиқди. Ўшанда ҳам кўпинча Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бир-бирларига ён босмай, ўз хоҳишларига кўра ҳаракат қилишарди.

Олтмишинчи йилларда эса Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган иккита давлат, яъни Хитой билан СССР ўртасидан ола мушук ўтиб қолди. Шундан кейин муносабатлар латифадагидек тус олди. Бирига тўғри бўлиб кўринган нарса иккинчисига эгри, бирига оқ бўлиб кўринган нарса иккинчисига қора бўлиб кўринаверди. Бири яхши деган нарсани иккинчиси ёмон деб тураверди. Бу жараён 80-йилларгача давом этди. Албатта, бундай ҳолат муҳим халқаро масалаларни кўриб чиқишда баъзан бу давлатларнинг турлича ёндашувларига сабаб бўлди. Айниқса, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар бирор-бир масалага турлича ёндашдиларми, демак, бу масала ўз ечимини топмайди.

Ҳозир ҳам Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ўртасида ҳамфикрлилик йўқ. Жумладан, Ироқ масаласига АҚШ билан Франция турлича ёндашадилар, деб ким ўйлабди дейсиз. Дунёнинг ишлари шундай. Кечаги ҳамкор, бугун рақобатчи, кечаги рақобатчи бугун ҳамкор бўлиб қолиш мумкин. Эҳтимол, шу маъқулдир. Бироқ бир нарса жиддий ташвиш туғдиради: БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши қарорлар қабул қилишда ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда жанговар ва таъсирчан орган — Олий ҳакам бўлиш ўрнига қачонгача фақат мунозара минбари бўлиб қолади?! Бу муаммони, назаримда, ислоҳот йўли билан ҳал этиш мумкин. Фақат бунга, аввало, дунё сиёсатининг йўналишини белгилайдиган давлатларнинг, қолаверса, БМТ Бош Ассамблеясининг эътибори керак.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон раҳбари БМТ тизимларида ислоҳот ўтказиш зарурлиги ҳақида гапириб, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сонини ошириш тўғрисида таклиф киритган эди. Жумладан, Германия билан Японияни номзодлар сифатида кўрсатган эди. Бу таклифда мантиқ-маъно борлиги аниқ. Бу борада мен ўзимнинг шахсий фикр-мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман. Айтайлик, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сони 15 та ёки ундан кўпроқ бўлса. Ана шу таркибни ташкил этган давлатлар нафақат аҳоли сони ва тараққиётнинг даражасини, балки барча қитъалар, динлар, тузумлар, умумлашган миллий-этник қавмлар вакиллигини ҳам ифода этсин. Жаҳонда 20 тадан ортиқ араб давлатлари бўлганидек, туркий тилли давлатлар ҳам оз эмас. Энг муҳими, ҳеч бир давлатга якка ҳолда вето ҳуқуқи берилмаслиги керак. Агар бу ҳуқуқ сақланиб қолса, Хавфсизлик Кенгашидаги ҳолат ҳозиргидан ҳам баттар консерватив кўринишда намоён бўлаверади. Кимда-ким вето ҳуқуқи уруш-жанжални тўхтатиб қолади, деса хато қилади. Амалда бунақаси камдан-кам бўлган ва бундан кейин ҳам бўлиши гумон. Шунинг учун қарор мутлоқ кўпчилик овоз билан (айтайлик, тўртдан уч — 75 фоизга тенг ёки бешдан тўрт — 80 фоизга тенг) қабул қилиниши ва, албатта, ижро таъминланиши керак. Акс ҳолда, Хавфсизлик Кенгаши унинг ҳозирги доимий аъзолари ўртасида бир-бирига сиёсий босим ўтказиш воситаси бўлиб қолаверади.

Биз бу фикр-мулоҳазаларни, таклиф-истакларни айтар эканмиз, Ўзбекистондаги миллионлаб, ер юзидаги миллиардлаб фуқаролар каби янги асрда жаҳон нимадир яхши томонга ўзгаришини истаймиз. Қанийди, бу асрда турли уруш-жанжаллар, диний ҳамда миллий-этник низолар, мафкуралар ва манфаатлар тўқнашуви, қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар, зулмлар ва зўравонликлар бўлмаса?! Қанийди, бу асрда болаларнинг йиғисини, оналарнинг фарёдини, қарияларнингноласини, ногиронларнинг илтижосини, камситилган ва хўрланганларнинг мунгли қиёфасини, мусибатдан эзилган одамларнинг йиғисини кўрмасак! Қанийди, бу асрда жаҳон жамоатчилиги дунё ҳамжамияти атрофида бирлашиб, ақл-идрок кўрсатган йўлдан бориб, инсонларни турли мушкулотлардан халос этишнинг ечимларини топса! Биз XXI аср тинчлик ва муроса асри бўлади, деб кўп гапиряпмиз ва ёзяпмиз. Қанийди, бу асрда ақл-идрок жаҳолатдан устун келиб, инсон деган улуғ зотни ўз мақсадига эриштирса! Иншооллоҳ, шунга умидвормиз!

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## Тадбир

### ДИПЛОМАТ ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Миллий Университети Журналистика факультетида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот шўъбаси раҳбари жаноб Муҳаммад ас-Сайид ал-Қутейший иштирокида мулоқот бўлиб ўтди. Учрашув давомида талабалар Миср оммавий ахборот воситалари тўғрисида маълумотга эга бўлдилар. Жаноб Муҳаммад ал-Қутейшийнинг билдиришича, Миср ҳақида дунё мамлакатларига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида 8 йил ичида махсус информацион шаҳар-марказ ташкил этилди. Шунингдек, "Наълсат-1" ва "Наълсат-2" деб номланган сунъий йўлдошларнинг учирилиши 100лаб телеканалларнинг жаҳон миқёсида ахборот узатиш имкониятини кенгайтирди. Ҳозирда яна 2 та сунъий йўлдошнинг фазога учирилиши кутиляпти. Янги йўлдошлар чиқарилгандан кейин Миср кўрсатувларини барча дунё давлатлари кўриши мумкин.

Мисрлик дипломат нутқи якунида бундай деди: "Ўзбекистон Республикасида ҳам демократик, эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш йўлида жиддий қадам қўйилди. Сиз бўлажак журналистларга оқ йўл тилайман. Умид қиламанки, сизлар ҳам журналистика ривожига келажакда ўз ҳиссангизни қўшасиз".

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

Акциядорлик тижорат
«ПАХТАБАНК»

Барча хоҳловчи шахсларга моддий бойликларингиз, ноёб буюмларингиз ва ҳужжатларингизни сақлаш учун янги қулай хизмат тури — «Банк депозит катакчалари»дан фойдаланишни таклиф этади.

Банк бир ой муддат учун депозит катакчаларининг ҳажмига муносиб равишда атиги 900 сўмдан 2300 сўмгача хизмат ҳақи олади.

Банк қимматли буюмларингизнинг ишончли сақланиши ҳамда сир тутилишига кафолат беради!

Доимо Сизнинг хизматингизда!
«Пахтабанк» —
фаровонлигингиз калитидир!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар:
173-25-33, 78-20-91.

## Сафар

### ЖАНОБ ХЁРБСТ СУРХОНДАРЁДА БЎЛДИ

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жон Хёрбст вилоятнинг Денов тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидаги Чамбил қишлоғи аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб берувчи иншоотнинг ишга туширилиши ҳамда Олтинсой тумани "Алпомиш" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 13-ўрта умумтаълим мактаби биносининг таъмирдан чиқарилиши муносабати билан шу қишлоқларда бўладиган тантаналарда қатнашиш мақсадида ташриф буюрди. Чунки сув таъминотини қайта тиклаш ва мактаб биносини таъмирлаш ишлари 2 та инфратузилма лойиҳаларини АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштириш асосида амалга оширилганди.

Мазкур лойиҳалар АҚШ Халқаро Ривожланиш агентлиги (USAID) Ҳамжамиятлар фаолиятини инвестициялаш ташкилоти (CAIP) томонидан молияланувчи 3 йиллик дастур асосини ташкил этади. CAIP дастури Америка нодавлат ташкилотлари — CHF International ва Counterpart International билан ҳамкорликда амалга оширилади.

CAIP дастурига Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан 60 та маҳаллий ҳамжамият киритилган бўлиб, уларнинг таркибида номлари юқорида келтирилган Чамбил ва Алпомиш қишлоқлари ҳам мавжуд.

2002 йилнинг майидан буён CAIP жойларда маҳаллаларни ривожлантириш кенгашлари (МРК)ни ташкил этишда ёрдам кўрсатиб келмоқда. МРК аъзолари маҳаллалардаги йиғилишларда аҳоли томонидан сайланадилар. Улар фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, ишчи ўринлари яратишга хизмат қиладиган лойиҳаларни аниқлаш, амалга ошириш ва бошқаришга қаратилган ўқув дастурларида қатнашадилар.

Тўпланган тажрибалар асосида ҳамжамиятлардан 29 таси аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, мактабларни таъмирлаш ва тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган лойиҳалар режаларини 4 ойнинг ўзидаёқ ишлаб чиқишга эришди.

Байрамона кайфиятда ўтган учрашувларда сўзга чиққан Жон Хёрбст шундай ажойиб тадбирларда иштирок этаётганидан, ўзбек халқига америкаликларнинг самимий саломларини етказаётганидан ғоятда бахтиёр эканлигини изҳор этди. Икки мамлакат халқлари ўртасида боғланаётган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари Ўзбекистоннинг мустақиллиги шарофати эканлигини айтди.

— Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини яхшилашга қаратилган инфратузилма лойиҳасини амалга ошириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган молиялаштириш режалари бажарилади, — деди элчи. — Бугун амалга оширилган лойиҳалар келгуси катта ишларнинг деболчаси холос.

Чамбил қишлоғида бўлган мулоқотда 6-синф ўқувчиси Очил ўғли Адҳамнинг соф инглиз тилида чиқиш қилиши океанортилик меҳмонларни лол қолдирди.

Меҳмонлар қишлоқ косиблари, ҳунармандлари, чеварлари тайёрлаган турли буюмлар кўргазмасини қизиқиб томоша қилдилар. Айниқса, уларда тол товоқлар, лаганлар, қошиқлар ва бошқа миллий ҳунармандчилик дурдоналари, кашталар катта қизиқиш уйғотди.

Элчи жаноблари ҳар икки қишлоқ маҳалласи кенгашлари аъзолари билан суҳбатлашиб, Маҳаллани сармоялаш ҳаракати дастури бўйича кейинги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, у тадбирда ҳозир бўлган журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

**Даврон ҒУЛОМОВ**

## Таҳлил

### «МЕНГА ИШ КЕРАК!»

***Ишсизлик. Ундан қандай халос бўлиш мумкин?***

Бирор давлат йўкки, ишсизлик муаммосидан холи бўлган! Фуқароларни адолатли меҳнат шароитига, қулайликларга эга, асосийси, яхши ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш ҳамма замонлардаям долзарб масала бўлиб келган. Имкон қадар қўшимча ишчи ўринлари яратиш, ишсизлар миқдорини камайтиришга ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилади ва давлат назоратига олинади. Ўзбекистонда бу масала билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлим ва бошқармалари шуғулланади. Иш қидираётган, ишсиз ёки моддий кўмакка муҳтож бўлган барча фуқаролар жойлардаги меҳнат органларига мурожаат қилишлари ҳамда тегишли ёрдам ва маслаҳатлар олишлари мумкин. Бу Қонун билан кафолатланган.

Ўзбекистонда меҳнат сиёсати 1992 йил 13 январда қабул қилинган "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун (1998 йил 1 майдаги янги таҳрири) ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг давлатимиз томонидан ратификация қилинган конвенциялари асосида олиб борилади. Мазкур Қонунга олти йил давомида 150 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, у ХМТ конвенцияларига мослаштирилган. Бундан ташқари, 1996-1998 йилларда Меҳнат Кодекси ҳам яратилганки, у аҳолини иш билан таъминлашда учрайдиган ҳар қандай муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Бемалол айтиш мумкинки, Республикамизда меҳнат масалаларининг ҳуқуқий асослари яхшигина яратиб берилган. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: "Хўш, ўша қонун ҳужжатлари амалиётга қандай татбиқ этиляпти? Улар нечоғли ишлаяпти?" Келинг, яхшиси, рақамларни "гапиртирсак".

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан олинган сўнгги маълумотларга кўра, 2002 йилда Республика бўйича жами 752 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилган бўлиб, уларда 17698 корхона ва ташкилотлар қатнашган. Ярмарка натижаларига кўра, 108118 бўш иш ўринлари мавжудлиги аниқланган. Бўш иш ўринлари ярмаркаларига 105963 фуқаро жалб этилган бўлиб, шулардан 34775 нафари ишга жойлаштирилган. 5429 фуқаро эса ҳақ тўланадиган жамоат ишлари билан таъминланган.

Бундай ярмаркаларни ўтказишда Фарғона, Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоятлари фаолллик кўрсатишган. Албатта, мазкур вилоятларда аҳолининг нисбатан кўплиги шуни тақозо этади.

Бундан ташқари, ўтган йили Ўзбекистон бўйича жами 436363 янги иш ўринлари ташкил этилган. Шулардан 115624 таси деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш, 143614 таси юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ҳамда 67078 таси янги объектларни қуриш, кенгайтириш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни қайта қуриш ҳисобига ташкил этилган. 110047 та янги иш ўринлари эса кичик ва ўрта бизнес корхоналарида очилган.

Хўш, шу-унча ишлар амалга оширилибди-ю, нега ҳамон ишсиз мақомида юрганлар сони сезиларли камаймаяпти?

Жуда кўпчиликни ташкил этадиган уддабуро ватандошларимиз эса кўпроқ пул топиш мақсадида хорижий мамлакатларга ноқонуний мигрант сифатида чиқиб кетишаётгани ҳақиқатга зид эмас. Энг сўнгги тахминий маълумотларга кўра, ҳозирда 500-700 минг ўзбекистонлик иш топиш ниятида Ватанимизни тарк этишган. Ва, афсуски, бу "кетиш"лар миқдори негадир кундан кунга ортса ортяптики, асло камаймаяпти. Нима, хорижликлар уларни қучоқ очиб кутиб олишадими? Ачинарли томони шундаки, айнан ноқонуний меҳнат миграцияси йўли билан аёллар ва болалар савдоси (траффик) амалга оширилаётгани хусусида ҳам баъзи манбаларда айтилади. Ноқонуний мигрантлар орасида аёлларнинг кўпчиликни ташкил этиши эса фақат ташвиш туғдиради, холос. Ноқонуний мигрантлар ҳар қандай сиёсий, ижтимоий ҳуқуқлардан холи. Нега? Чунки ўша хорижлик иш берувчилар билан ўртада ҳеч қандай шартнома имзоланмаган... Донишмандлар бекорга айтишмаганки, "Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради". Кўп пул топишни орзу қилган одам ўз юртидаям астойдил ҳаракат қилса, очдан ўлмайди.

Энди масаланинг бошқа томони, яъни қандай қилиб янги ишчи ўринлари яратиш мумкинлиги тўғрисида мулоҳаза юритсак. Дейлик, биронбир хорижий давлат билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилди. Бундан, айтиш мумкинки, ҳар икки томон ҳам бирдай манфаатдор. Ўзбекистонга ишсизлар миқдорини камайтириш учун қулай имконият бўлса, ҳамкорнинг чўнтагига мўмай даромад. Шерикчилик, ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди, агарда у томонларнинг ўзаро келишуви, бир-бирига ҳурмати туфайли бўлса. Мамлакатимизда бугунги кунда кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатяптики, улар ишсизлар сонини имкон қадар озайтиришга ҳаракат қилмоқда. "ЎзДЭУавто", "Зарафшон-Ньюмонт", "Косонсой-Текмен" каби бир қатор қўшма корхоналар бу борада фаоллик қилишяпти. Лекин томчига қараб денгизга баҳо бериб бўлмаганидек, буларга боқиб бутун Республикада шунақа экан-да, деб айтиш қийин, албатта. Ҳали қўшма корхоналар уёқда турсин, ҳатто кичик корхоналар қурилмаган тупканинг тубидаги туман ва қишлоқларнинг кўплиги ачинарли. Бу борада дўппини четга олиб қўйиб, жиддий ўйлаб кўриш вақти аллақачон етган.

Асосий Қонунимизда Ўзбекистоннинг ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқароси меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниши, тегишли тартибда ишсизликдан ҳимояланиши, ишсизлик нафақаси олиши мумкинлиги ёзиб қўйилган. Шу билан бирга, фуқаролар касбга тайёрланиши, қайта тайёрланиши ҳамда малакасини оширишлари мумкин. Ишга жойлашмоқчи, маслаҳат олмоқчи бўлганлар жойлардаги меҳнат органларига мурожаат қилишлари, Қонунда кўрсатилган тартибда ишсиз деб эътироф этилишлари, тегишли миқдорда ишсизлик нафақаси олишлари кафолатланади. Ишсиз деб эътироф этилган шахс мустақил равишда иш қидириш, иш танлаш ҳуқуқига эга. Меҳнат ва ижтимоий таъминот масалалари бўйича тўлароқ, батафсилроқ маълумотни меҳнат бўлимлари орқали олиш мумкин.

**Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ**

